





СОЛИҚ ИСЛОҲОТИ: 2019 ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ

Мазкур ахборотномада Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилдаги айрим солиқ турлари бўйича ижро натижалари ифода этилган. Шунингдек, солиқ тизимини ислоҳ қилиш натижасида қўшилган қиймат солиғи, иш ҳақини солиққа тортиш, фойда солиғи, дивиденд кўринишидаги даромадлар учун солиқ, мол-мулк ва ресурс солиқларини тўлаш жараёнидаги ўзгаришларнинг бюджет маблағлари шаклланишига таъсирлари ҳақида маълумот беради.



 Ўзбекистан, 100017, Тошкент ш, Истиклол, кўчаси, 29.
 (71) 239 15 70; (71) 244 56 43
 <https://www.mf.uz/>
 info@mf.uz

Солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш шарти билан солиқ тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон Фармони билан Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қуйидагиларни назарда тутувчи асосий йўналишлари белгиланган эди:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 12% миқдорида ягона ставкасини жорий қилиш, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини (меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 8%) бекор қилиш, шунингдек ягона ижтимоий тўлов ставкасини кичик корхоналар учун 15% дан 12% гача, ҳамда бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналаридан бошқа йирик корхоналар учун 25%дан 12%гача камайтириш ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юкини камайтириш;

foyда солиғи ставкасини **14%дан 12%гача** пасайтириш;

дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкасини **10% дан 5% гача** пасайтириш;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини **5%дан 2%га** пасайтириш;

цемент, клинкер, мис ва полиэтилен гранулалар бўйича қўшимча фойда солиғини бекор қилиш;

ўтган йил яқунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш;

барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан обороти (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш.

Оператив маълумотларга кўра, 2019 йилда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари **137 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 26,1%)** ташкил этган, бу 2018 йилдагига қараганда **27% кўп** (2018 йилда даромадлар 108 трлн. сўмни ёки ЯИМга нисбатан **26,5%ни** ташкил этган).

2019 йилдаги даромадлар бўйича Давлат бюджети **ижроси дастлабки яқунларининг** кўрсатишича, тушумлар **112,1 трлн. сўмни** ташкил этиб, 2018 йилдагига (79,1 трлн. сўм) нисбатан 1,4 баравар ошган. Бунда ЯИМга нисбатан Давлат бюджетининг даромадлари ЯИМга нисбатан 19,4%дан 21,4%гача ёки 2 фоиз бандига ошган.




Давлат мақсадли жамғармалари, 2018 йилдаги 29 трлн.сўм (ЯИМга нисбатан 7,1%) ўрнига 2019 йилда 24,9 трлн.сўмни ташкил қилди (ЯИМга нисбатан 4,8%).

Шу билан бирга, даромадлари тушуми таркибида ҳам, солиқ тўловчилар таркибида ҳам ўзгариш кузатилмоқда (1 ва 2-жадвал).

46,4 трлн. сўм миқдоридagi асосий даромадлар, ўтган йилларда бўлгани каби, билвосита солиқлар (ҚҚС, акциз солиғи ва божхона божи) улушига тўғри келади. Ўтган йил билан солиштирганда ушбу манбалар бўйича тушумлар 13 фоизга ортган.

2019 йилда ҚҚС бўйича ҳақиқий тушумлар, 2019 йилда 3,2 трлн. сўм миқдоридa қайтарилган ҚҚС суммасига камайтирилган, қайтарилган ҚҚС суммалари 2018 йилдаги мос кўрсаткичга нисбатан 2 баробарга ошган (2018 йилда ҚҚС суммаларининг қайтарилиши бюджет харажатларида акс эттирилиб, 1,5 трлн. сўмни ташкил этган).



Бевосита солиқлар бўйича даромадлар – **31,7 трлн. сўмни** (ўтган йилдагига нисбатан 2 баравардан ортиқ миқдорга ошган), ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича эса **19,7 трлн. сўмни** (1,5 баравар ошган) ташкил этган.

1. Қўшилган қиймат солиғи. Билвосита солиқлар бўйича тушумларнинг асосий салмоғи қўшилган қиймат солиғига тўғри келади Бунда республика ичида ҳисоблаб чиқариладиган ёки солиқ органлари томонидан ундириладиган ҚҚС суммаси **23,7 трлн. сўмни**, импорт қилинаётганда ундириладиган сумма эса 13,4 трлн. сўмни ёки жами 37,1 трлн. сўмни ташкил этган.

2019 йилдан солиқ сиёсатида салмоқли ўзгаришлар ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришни назарда тутувчи солиқ тизими ислоҳоти бошланди. Қисқа муддатларда амалга ошириладиган кенг миқёсли ислоҳот барча солиқ воситаларини қамраб олди. Чунончи, ходимлар сони асосида эмас, балки оборот асосида қўшилган қиймат солиғини тўлаш учун чегара жорий этилди. Шунингдек солиқ тўловчиларнинг сонини кўпайтириш, солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳисобига солиқ солинадиган базани сезиларли даражада кенгайтириш чоралари кўрилди.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сони **6,7** мингтадан **82** мингтагача ошди (1 декабрдаги ҳолатга кўра). 2019 йил давомида **6,7 трлн. сўм** ёки солиқ органлари томонидан йиғиладиган ушбу солиқ бўйича тушумларнинг **29%и** янги ҚҚС тўловчилар улушига тўғри келади.

2018 йилда халқаро экспертлар Ўзбекистон солиқ тизими самарадорлигига берган баҳога кўра, ҚҚС бўйича С-самарадорликнинг қуйи коэффициентини (С-самарадорлик = ҚҚСдан даромад / ҚҚСдан даромадларни чегирган ҳолда умумий пировард истеъмол х ҚҚС ставкаси) ҚҚСнинг тушумларни йиғиш салоҳиятидан тўла фойдаланилмаганидан гувоҳлик беради. Салмоқли айланмаларга эга бўлган кўплаб компаниялар ягона солиқ тўлови тўлаб, ҚҚС режимида бўлмаган. Шу муносабат билан қуйидаги тавсиялар берилган:

ҚҚС тўловчиларининг умумий базасини кенгайтириш мақсадида ягона солиқ тўлови учун айланмаларга асосланган чегарани жорий этиш;

ресурслар харид қилинаётганидаги ҚҚС суммасини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш (узоқ муддатли активлар бўйича ҚҚС суммаларини ҳисобга олиш ҳуқуқини бериш, ресурслар харид қилинганда юзага келадиган барча ортиқча ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаларини (манфий ҚҚС суммасини) қайтариш).

Дунёнинг асосий минтақалари ва минтақадаги мос давлатлар билан солиштирганда, Ўзбекистонда ҚҚСнинг самарадорлиги ва йиғилувчанлиги энг қуйи даражалардан бирида эди. Бир-бирига боғлиқ бўлган қатор омиллар сабабли ҚҚС самарадорлиги паст эди. Тор доирадаги солиқ базаси, солиқ имтиёзларининг кенг қўлланилиши,

даромадларни бошқаришдаги камчиликлар, солиқ тўловчиларнинг ўз мажбуриятларини норасмий иқтисодий фаолият орқали паст даражада бажариши ва даромадларнинг камайтириб кўрсатилиши мавжуд салоҳиятга қараганда солиқ даромадларининг кўп йўқотилишига олиб келарди.

Манба: ХВФ, Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши истиқболлари, ҚҚС

ҚҚС самарадорлиги: Ўзбекистон асосий дунё минтақалари билан солиштирилганда
Ўртача тортилмаган қийматли ҚҚС самарадорлиги

Шаклланган ва ривожланаётган бозорли Европа мамлакатлари	0,47
Лотин Америкаси и Кариб ҳавзаси	0,44
Ривожланган иқтисодиётли мамлакатлар	0,39
Бутун жаҳон мамлакатлари	0,39
Шаклланган ва ривожланаётган бозорли Осиё мамлакатлари	0,38
Сахардан жанубгача Африки мамлакатлари	0,35
Ўзбекистон	0,30
Яқин шарқ ва Шимолий Африка	0,21

ҚҚС самарадорлиги: Ўзбекистон минтақадаги ўхшаш мамлакатлар билан солиштирилганда
Ўртача тортилмаган қийматли ҚҚС самарадорлиги

Грузия	0,54
Украина	0,49
Эстония	0,46
Белоруссия	0,43
Литва	0,37
Россия	0,30
Ўзбекистон	0,30
Қозоғистон	0,27

Изоҳ: ҚҚС самарадорлиги = ҚҚС даромадининг ЯИМга нисбатан фоизи / ҚҚС ставкаси

ҚҚС С-самарадорлиги: Ўзбекистон дунёнинг асосий минтақалари билан солиштирилганда
Ўртача тортилмаган қийматли йиғувчанлик

Ривожланган иқтисодиётли мамлакатлар	0,60
Шаклланган ва ривожланаётган бозорли Осиё мамлакатлари	0,55
Яқин шарқ ва Шимолий Африка	0,55
Лотин Америкаси и Кариб ҳавзаси	0,54
Шаклланган ва ривожланаётган бозорли Европа мамлакатлари	0,54
Бутун жаҳон мамлакатлари	0,51
Ўзбекистон	0,43
Яқин шарқ ва Шимолий Африка	0,35

ҚҚС С-самарадорлиги: Ўзбекистон минтақадаги ўхшаш мамлакатлар билан солиштирилганда
Ўртача тортилмаган қийматли йиғувчанлик

Грузия	0,73
Эстония	0,73
Украина	0,66
Озарбайжон	0,58
Литва	0,51
Россия	0,47
Ўзбекистон	0,43
Қозоғистон	0,42

Изоҳ: ҚҚС С-самарадорлиги = ҚҚС даромади / (ҚҚС даромадини чегирган ҳолда жами пировард истеъмол * ҚҚС ставкаси)

ставкалари маълумотлари базаси ва ХВФ мутахассислари

Айрим солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш чоралари кўрилди, шунингдек ҚҚС ставкаси **20 фоиздан 15 фоизгача** пасайтирилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПФ-5755-сон ва 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сон Фармонлари).

Натижада 2019 йил якунлари бўйича ҚҚСнинг самарадорлик кўрсаткичи ҳисоб-китобга кўра 0,35 ни ташкил этди, 2020 йилда эса 0,45 миқдорида бўлиши кутилмоқда (2020 йилда С-самарадорлик кўрсаткичи 0,6 даражада бўлиши кутилмоқда).

Кўрилган чоралар (ҚҚС ставкасининг пасайтирилиши, ушбу солиқ бўйича имтиёзларнинг бекор қилиниши ва келгусида солиқ тўловчилар сонининг кўпайтирилиши) келгуси йилларда Давлат бюджети даромадларига таъсир кўрсатади. Чунончи, баҳоларга кўра, 2020 йилда ушбу солиқ бўйича даромадлар **44,2** трлн. сўм даражасида бўлиши (**3,4** трлн. сўм миқдорида ушбу солиқ бўйича қайтариладиган суммаларни ҳисобга олганда) ёки жорий йилдагига нисбатан **30 фоизга** ошиши прогноз қилинмоқда. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш ҳажмларининг кутилаётган ўсиши, имтиёзларнинг бекор қилиниши, шунингдек электрон ҳисобварақ-фактуралар ҳамда тўловчилар ҳисобга оладиган суммаларни таҳлил қилиш кўринишидаги солиқ маъмуриятчилигининг янги шакллари ва услулари жорий этилиши тушумлар ортисининг асосий омиллари бўлади.

Шу билан бирга, 2020 йил 1 январгача тақдим этилган солиқ ва боғхона имтиёзларининг амал қилиши бекор қилинади. Шунингдек, тақдим этилган имтиёзларни янада мақбуллаштириш режалаштирилмоқда: 2020 йил 1 январдан кейин қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар фақат Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан тақдим этилади.

Халқаро амалиётга кўра, кўп сонли имтиёзлар ва солиқ солишининг умумий режимдан истиснолар солиқ имтиёзларидан фойдаланмайдиган иқтисодий фаолият қатнашчиларига нисбатан адолатлилик принципини бузади, сабаби муайян солиқ тўловчиларга тақдим этилган имтиёзли режим шубҳасиз бошқаларга қўшимча солиқ юки тушишини англатади. Имтиёзлар мавжуд бўлган бозорларда етарлича рақобат бўлмагани боис ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифати пасаяди. Айрим корхоналарда боқимандалик кузатилса, бошқалари юқори фойда олади.

Кўп ҳолларда кам даромад олувчи уй хўжаликларини ҳимоя қилиш мақсадида имтиёзлар берилади. Бироқ кўп мамлакатлардаги амалиёт таҳлили бунинг аксини кўрсатади. Имтиёзларни тақдим этиш натижасида нархлар пасайса ҳам, аксарият ҳолларда юқори даромад олувчи уй хўжаликларида асосий маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг истеъмоли ортади. Тақдим этилган имтиёзлардан асосан айнан улар наф кўрадилар. Бинобарин, солиқ базасидан чиқариб ташланган солиқнинг прогрессивлиги эмас, балки регрессивлиги ошиши кузатилади.

Шу билан бир қаторда ҚҚС бўйича имтиёзлар берилиши натижасида ишлаб чиқарувчилар ҚҚС ставкаларининг оширилишига ёхуд пасайтирилишига қараб ўз нархларига тузатиш киритишлари, бу билан пировард истеъмолчилар зиммасига тушадиган солиқ юкини камайтиришлари кутилади. Бироқ кўп мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар бунинг аксини кўрсатади. Уларнинг натижаларига кўра, аксарият ҳолларда нархлар пасаймаган, пасайган ҳолларда ҳам йил давомида аввалги даражага чиқиб олган.

ХВФ тадқиқотларининг кўрсатишича, имтиёзлар ҚҚСнинг нейтраллигига ва ишлаб чиқаришга оид қарорларнинг асл мақсадига путур етказди. ҚҚСдан озод қилинган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзини ўзи таъминлаш ва вертикал интеграция бўйича рақбатлантиришларга эга бўладилар. Имтиёзлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга зарар етказиши мумкин, сабаби ресурсларни хориждан харид қилишни рақбатлантиради: кирувчи солиқни тўлаш мажбурияти маҳаллий ишлаб чиқариш зиммасига юклатилади, худди шундай импорт маҳсулотлар эса ундан озод қилинган. Яна бир мураккаблик шундаки, корхоналар солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришлари мумкин, бу ҳисобга олинмайдиган солиқ суммасини аниқлаш учун харидлардан ҚҚСни тақсимлашга оид мураккаб қоидалар қўлланишини талаб этади.

2019 йилда ҚҚСни қайтариш суммаси 3,2 трлн. сўмни ёки умумий ҚҚС тушумининг 8,7%ини ташкил этган (2018 йилда – 1,5 трлн. сўм ёки 5,4%). ҚҚС тўловчилари сонининг ортиши қайтариш суммасининг кўпайишига олиб келган (экспорт қилувчилар товарларни (хизматларни) солиқ тўловчи контрагентларидан харид қиладилар).

Бунда солиқни қайтариш суммасининг ундирилган ҚҚС тушумлари суммасига нисбати (8,7%) бошқа мамлакатлар билан солиштирганда республикада нисбатан паст кўрсаткич ҳисобланади (бошқа мамлакатларда ушбу кўрсаткич ўртача 15 – 20 %ни ташкил этади, айрим мамлакатларда эса 40 фоиздан ҳам ошади).

Айни пайтда ҚҚС суммаси фақат экспорт қилувчиларга қайтарилиши мумкин. Солиқ кредитлари солиқ мажбуриятларидан ошадиган бошқа солиқ тўловчилар эса ушбу фарқни келгуси даврларга ўтказишга мажбурдирлар. Бироқ ҚҚС суммасининг қайтарилиши ҚҚС ишлаши учун *принципиал аҳамиятга эга. Барча компанияларга ҚҚС суммасини*

қайтариб олишига имкон берувчи чоралар кўрилмоқда, бироқ бунинг учун бу билан боғлиқ тартиб-таомилларни такомиллаштиришга оид кўшимча чораларни кўриш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилишича, 2020 йил 1 июлдан эътиборан ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинadиган ҚҚС суммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммаси қайтарилади.

Шу билан бирга, 2020 йилдан эътиборан солиқ солинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган, сотиб олинган бинолар ва асосий воситалар бўйича ҚҚСни тўлиқ ҳисобга олиш назарда тутилмоқда.

2019 йил 1 январдан ҚҚС тўловчиларига асосий воситалар сотиб олинганда тўланган ҚҚСни 12 ой давомида, қурилиши тугалланмаган объектлар ва номоддий активлар бўйича эса 36 ой давомида тенг улушларда ҳисобга олиш ҳуқуқи берилган эди. 2019 йил 1 январгача қўшилган қиймат солиғи суммаси сотиб олинadиган узоқ муддатли активлар қийматида акс эттирилган.

2020 йилда қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15% миқдорида сақлаб қолиш ва ҚҚСни ҳисобга олиш имкониятлари кенгайтириш билан бирга тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Даромадларнинг унумдорлигига анча салбий таъсир кўрсатаётган «ижтимоий» имтиёзлар кам даромад олувчи жамият қатламларини сезиларсиз даражада ҳимоя қилади ва уларга кам наф келтиради. Уларга тўлиқ ставкада ҚҚС солиниши ва бундан олинган маблағларнинг аҳолининг кам таъминланган қатламлари аҳволини яхшилашга сарфланиши янада самарали қайта тақсимлаш сиёсати ҳисобланади.

Товарларни импорт қилиш чоғида қўшилган қиймат солиғи тушуми ўтган йил билан солиштирганда 1,5 баравар ошиб, **13,4** трлн. сўмни ташкил этган. 2019 йил 4 чорагида имтиёзларнинг бекор қилиниши ҳисобига қўшимча тушумлар 0,9 трлн. сўмни ташкил этган, шу жумладан ёғоч-тахта материаллари ҳисобига – 237 млрд. сўм, автомобиль саноати ҳисобига – 270 млрд. сўм ва б.

2. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ солиш.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг ягона ставкасини жорий этиш ягона ижтимоий тўлов ставкасининг ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига (ШЖБПХ) ажратмалар миқдорининг камайтирилиши билан бир қаторда, шунингдек мазкур солиқ

тўловчиларининг айрим тоифалари бўйича (судьялар, прокурорлар, божхона органлари ходимлари ва бошқа куч ишлатиш билан боғлиқ тузилмалар ходимлари) имтиёзларни бекор қилиш ҳисобига ушбу солиқ тўловчилари қамровини кенгайтириш, мазкур солиқ бўйича тушумларни **6,4 трлн. сўмдан 12,7 трлн. сўмгача, яъни қарийб 2 бараварга ошириш имконини берди**. Бинобарин, бюджет даромадлари параметрларида ушбу тушумлар **11,4 трлн. сўм** ҳажмида прогноз қилинган эди.

Ўтган йил билан солиштирганда қуйидагилар Давлат бюджетига маблағлар тушумлари кўпайишининг асосий омилларидан бўлди:

имтиёзларнинг, шу жумладан прокуратура, ички ишлар органлари, суд тизими ва куч ишлатиш билан боғлиқ идоралар ходимлари учун, бекор қилиниши (1 трлн. сўм атрофида);

ШЖБПҲга ажратмалар нормативининг 2%дан 0,1%га туширилиши (қарийб 1,9 трлн. сўм).

Шунингдек жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумларнинг кўпайиши хусусий секторда иш ҳақининг жадал ўсиши ва ишловчилар сонининг легаллашиши билан ҳам боғлиқдир.

Шу тариқа, МҲТФ солиқ юкининг камайишига қарамасдан, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича тушумлар миқдори ошди. Чунончи, дастлабки баҳолашларга кўра, ЖШДС бўйича тушумларнинг улуши ЯИМга нисбатан 2010 йилдаги 2,15 %дан 2019 йилда 2,42 %гача ошган.

2019 йил январь ва ноябрь ойларида иш ҳақи даражасининг динамикаси

	Иш ҳақи суммаси	2019 й. январь		2019 й. ноябрь	
		нафар	улуши	нафар	улуши
1	0,1 минг сўмдан 1000,0 минг сўмгача	1 855 361	50,7%	1 761 007	43,6%
2	1000,1 минг сўмдан 2000,0 минг сўмгача	1 007 788	27,5%	1 118 827	27,7%
3	2000,1 минг сўмдан 4000,0 минг сўмгача	613 528	16,8%	806 891	20,0%
4	4000,1 минг сўмдан 5500,0 минг сўмгача	96 549	2,6%	172 464	4,3%
5	5500,1 минг сўм ва ундан кўп	87 388	2,4%	175 483	4,3%

Манба: ДСҚ маълумотлари асосида.

Солиқ солишининг ягона ставкаси айрим собиқ Совет Иттифоқи мамлакатларида 2000 йилларда жорий этилган ва бу тадбир ишчилар

сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг легаллашишига ижобий таъсир кўрсатган. Хусусан, Россияда 13%лик ягона ставка жорий этилгандан сўнг биринчи йилда солиқ тушумлари қарийб 50%га кўпайган.

2020 йилда ушбу манба бўйича даромадлар 16,1 трлн. сўм, шу жумладан қатъий белгиланган солиқ тўловчиларнинг бир қисмини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига ўтказиш ҳисобига миқдорида прогноз қилинмоқда, яъни ўсиш 29 фоизни ташкил қилади.

2019 йилда қатъий белгиланган солиқ бўйича даромадлар 659 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2018 йилга қараганда 36 фоиз кам бўлди, бу ставкаларнинг ўртача 30 %га камайтирилгани, ягона солиқ тўловига ўтиш мезонининг жорий этилиши, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турларининг қисқариши билан боғлиқдир.

3. Фойда солиғи ва дивиденд шаклидаги даромадларга тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқлар

2019 йил якунларига кўра фойда солиғи суммаси **16,4 трлн. сўмни**, яъни 2018 йил якунларига нисбатан 5 баробар кўпни ташкил қилди (2018 йилда – **3,3** трлн. сўм). Республика кон-қазиб олиш компанияларининг янги солиқ тизимига ўтиши, шунингдек айланмадан 3,2% миқдорида мажбурий ажратмалар бекор қилиниши сабабли йирик компаниялар фойдасининг ўсиши (2019 йил шароитларида **6 трлн. сўмдан кўп**), давлат улушига эга бўлмаган солиқ тўловчилар учун ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилиши (25 фоиздан 12 фоизгача), ушбу солиқни тўловчилар сонининг ортиши фойда солиғи бўйича тушумларнинг ошишига асосий омил бўлди.

Фойда солиғи бўйича янги солиқ тўловчилар (41,2 минг корхона) ҳисобига даромадлар 1,6 трлн. сўмни, яъни тушумлар умумий суммасининг тахминан 10%ни ташкил қилди.

Цемент заводлари, уяли алоқа компаниялари ва полиэтилен гранулалар ишлаб чиқарувчилари учун кўшимча фойда солиғининг бекор қилиниши билан бир вақтда 12%лик базавий ставка ўрнига 20%лик оширилган ставканинг жорий этилиши 2019 йилда кўшимча равишда 170 млрд. сўм олишга имкон берди. 2018 йилда ушбу солиқ тўловчилардан 1,5 трлн. сўм миқдорида кўшимча фойда солиғи келиб тушган эди.

2020 йилда ушбу манба бўйича даромадлар 22 трлн. сўм миқдорида прогноз қилинмоқда. Ушбу солиқ бўйича солиқ базасининг кенгайиши ягона ижтимоий тўлов ставкасининг давлат корхоналари учун 25 фоиздан

12 фоизгача туширилиши, шунингдек қимматбаҳо металллар учун ер қаъридан фойдалаганлик учун солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳисобиغا юз беради.

Бунда қўшилган қиймат солиғи ставкасининг пасайтирилишидан бюджет йўқотишларини қисман компенсациялаш мақсадида фойда солиғи ставкаси 12 фоиздан 15 фоизгача оширилди. Ҳисоб-китобларга кўра қўшилган қиймат солиғи ставкасининг пасайтирилишидан йўқотишлар қарийб 11 трлн. сўм бўлгани ҳолда, фойда солиғидан қўшимча тушумлар 2 трлн. сўмни ташкил қилади.

Фойда солиғи ставкасининг оширилиши яна шу билан изоҳланадики, меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадларга айна пайтда 24 %лик ставка бўйича (12% - жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва 12% – ягона ижтимоий тўлов), юридик шахснинг муассиси даромади эса 16,4 % (фойда солиғи ва дивиденд шаклидаги даромадларга тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқ) бўйича солиқ солинади. Ўз-ўзидан, мулкдорга дивиденд шаклида даромад олиш иш ҳақи шаклида олганга кўра манфаатлироқдир.

Бунда фойда солиғи ставкасининг 15 фоизгача оширилиши ялпи солиқ юкини 19,3 фоизгача оширади, бу эса иш ҳақи шаклидаги даромадларга солиқ солиш юкига яқинроқдир.

Нерезидентларга тўланадиган даромадлардан ташқари дивиденд шаклидаги даромадларга солиқ ставкасининг 10 фоиздан 5 фоизгача камайтирилиши (ҳам юридик шахслар, ҳам жисмоний шахслар бўйича), , ушбу манба бўйича тушумларнинг камайишига олиб келмади. 2018 йилда тушумлар 616,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда улар 838,7 млрд. сўмни ташкил қилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида фойда солиғи юки

Мамлакатлар	Фойда солиғининг стандарт ставкаси	Дивиденд солиғининг стандарт ставкаси	Инвесторга ялпи солиқ юки
Арманистон	20	5	24.0
Озарбайжон	20	10	28.0
Белоруссия	18	13	28.7
Грузия	15	5	19.3
Қозоғистон	20	5	24.0
Қирғизистон	10	0	10.0
Молдова	12	6	17.3
Россия	20	13	30.4
Тожикистон	23	12	32.2
Туркменистон	8	10	17.2
Украина	18	5	22.1
Ўзбекистон (2019)	12	5	16.4
Ўзбекистон (2020)	15	5	19.3

4. Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи.



Ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш мажбурийлиги принципини жорий этиш мақсадида 2019 йилнинг 1 январидан барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан 1 миллиард сўмгача айланмага (тушумга) эга бўлган юридик шахслар ушбу солиқларни тўлашга ўтдилар. Бунда 2019 йилда юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтирилди.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкасини 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтириш тушумларнинг 1,9 трлн. сўмдан

1 трлн. сўмгача қисқаришини назарда тутган эди. Барча тадбиркорлик субъектларини мол-мулк солиғини тўлаш билан қамраб олиниши ҳисобига солиқ базасининг ошиши (7 баробар) натижасида 2019 йилда мазкур солиқ бўйича даромадлар 1,6 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда 2019 йил учун янги солиқ тўловчилардан (55 705 та корхона) тушумлар қарийб 629 млрд. сўмни ёки умумий тушумларнинг учдан бир қисмини ташкил қилди.



Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўловчилари сони 2018 йил билан солиштирганда 5,8 мартага ошди ва 74 707 та корхонани ташкил этди, **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни** тўловчилар 14,8 мартага ошди ва 50 898 та корхонани ташкил қилди. Тегишли равишда, 2019 йил учун юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича тушумлар солиқ тўловчилар доирасининг кенгайгани ҳисобига 298,4 млрд.сўмга ошди (*маълумот учун: солиқ солинадиган ерлар 388,6 минг гектарга кўпайди ва 888,6 минг гектарни ташкил этди*), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича эса – 33,5 млрд.сўмга ошди.

Бунда ер солиғи (1,2 бараварга) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (1,2 бараварга) бўйича ставкаларнинг индексация қилиниши ҳисобига 2019 йилда ер солиғи бўйича қўшимча тушумлар ҳисоб-китобга кўра **133,3 млрд. сўмни**, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича – **26,9 млрд. сўмни** ташкил этди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича **100 млрд. сўм** миқдоридаги қўшимча тушумлар (ҳисоб-китобга кўра) 2018 йилнинг 1 октябридан солиқ ставкаларининг саноат корхоналари учун (3 мартага) ва автотранспорт воситаларини ювишга ихтисослашган корхоналар учун (10 мартага) оширилиши ҳисобига таъминланди.



Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар 2019 йилда 4,2 трлн. сўмга ошди ва қуйидагилар ҳисобига **12,6 трлн. сўмни** ташкил этди:

қимматбаҳо ва рангли металллар нархининг кўтарилиши, солиқ солиш тартибининг ўзгартирилиши ва курснинг ошиши;

«Ўзбекнефтегаз» МХК тизими ичида олинадиган табиий газга тарифлар ўзгартирилиши;

фойдали қазилмаларнинг айрим турлари (хусусан, тош (овқатга ишлатиладиган) туз, цемент ишлаб чиқариш учун оҳактош, оҳактошлар

доломитлар, мрамор ушоғи, ғишт-черепица хом ашёси, қурилиш қумлари ва бошқалар) учун қатъий белгиланган ставкалардан кам бўлмаган миқдорда солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибининг ўрнатилиши.



Ягона ер солиғи бўйича тушумлар 2019 йилда **273,1 млрд. сўми** ташкил этди, шундан қарийб **40 млрд. сўми** - мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавот маҳсулотлари билан банд бўлган ерлар учун ягона ер солиғини базавий солиқ ставкаси ва ернинг сифат хусусиятларини ҳисобга оладиган балл-бонитетдан келиб чиқиб ҳисоблашни жорий этиш бўйича ўтказилган тажриба ҳисобига қўшимча тушумлар.

Жорий йилнинг 1-чораги давомида солиқлар кесимида, солиқ тўловчилар динамикасига доир қўшимча материаллар ҳамда солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботи асосида тақдим этилган солиқ имтиёзлари тўғрисидаги ахборот чоп этиб борилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2018-2019 ЙИЛЛАРДАГИ ИЖРОСИ ВА 2020 ЙИЛ ПРОГНОЗИ

млрд. сўм

	2018 йил		2019 йил		Тушум ўсиши	
	сумма	жамига нисбатан % да	сумма	жамига нисбатан % да	сумма	% да
I. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ	79 099,1	73,2	112 160,4	81,8	33 061,3	141,8
<i>шу жумладан:</i>						
1. Бевосита солиқлар - жами	15 436,6	14,3	31 671,7	23,1	16 235,1	205,2
1.1 Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	3 282,6	3,0	16 360,6	11,9	13 078,0	498,4
1.2 Ягона солиқ тўлови	4 706,5	4,4	1 983,6	1,4	-2 722,8	42,1
1.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	6 422,7	5,9	12 668,5	9,2	6 245,8	197,2
1.4 Тадбиркорлик субъектлари учун қатъий белгиланган солиқ	1 024,8	0,9	658,9	0,5	-365,9	64,3
2. Билвосита солиқлар - жами	40 949,0	37,9	46 427,2	33,9	5 478,2	113,4
2.1 Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС):	27 876,5	25,8	33 809,8	24,7	5 933,3	121,3
- ҚҚС бўйича тушумлар	27 876,5	25,8	37 055,1	27,0	9 178,5	132,9
- ҚҚС суммасини қайтариш	-1 516,6*	-1,4	-3 245,3	-2,4	-1 728,7	214,0
2.2 Акциз солиғи	11 246,1	10,4	10 314,7	7,5	-931,3	91,7
2.3 Божхона божи	1 826,4	1,7	2 302,7	1,7	476,3	126,1
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	12 663,4	11,7	19 680,8	14,4	7 017,3	155,4
3.1 Мол-мулк солиғи	2 606,1	2,4	2 360,3	1,7	-245,8	90,6
3.2 Ер солиғи	1 504,2	1,4	2 313,2	1,7	809,0	153,8
3.3 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	8 424,7	7,8	14 692,8	10,7	6 268,1	174,4
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	128,4	0,1	314,5	0,2	186,0	244,9
4. Қўшимча фойда солиғи	1 528,0	1,4	107,9	0,1	-1 420,1	7,1
5. Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар	8 522,0	7,9	14 272,8	10,4	5 750,8	167,5
II. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ	28 954,9	26,8	24 932,0	18,2	-4 022,9	86,1
шу жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	22 844,7	21,1	24 342,5	17,8	1 497,8	106,6
ЖАМИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ	108 053,9	100,0	137 092,4	100,0	29 038,5	126,9

* 2018 йилда ҚҚСни қайтариш суммалари харажатларда акс эттирилган, 2019 йилдан бошлаб ҚҚС дан тушумларини камайитириш орқали акс эттирилади.

Солиқ тўловчилар сони ўсиши динамикаси

	Солиқлар номи	Солиқ тўловчилар сони		Фарқ	Ўсиш (каррали)
		01.01.2019 йил ҳолатига	01.12.2019 йил ҳолатига		
1	Қўшилган қиймат солиғи	6 769	82 162	75 393	12,1
2	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	7 575	48 838	41 263	6,4
3	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	9 261	64 966	55 705	7,0
4	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	12 887	74 707	61 820	5,8
5	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	3 443	50 898	47 455	14,8
6	Ягона солиқ тўлови	163 824	178 165	14 341	1,09
7	Якка тартибдаги тадбиркорлар (фаолият юритаётган)*	241 780	243 780	2 000	1,01

**) 2018 йилнинг 11 ойида янги рўйхатдан ўтганлари - 118,8 минг, 2019 йилда – 105,2 минг нафар*